

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ИКРАМОВА МАШКУРА ШУХРАТОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ОҚБОШ ЎСИМЛИГИНИ
ФАРМАКОГНОСТИК ТАҲЛИЛИ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Икрамова Машкура Шухратовна

Ўзбекистонда ўсадиган оқбош ўсимлигини

фармакогностик таҳлили..... 3

Икрамова Машкура Шухратовна

Фармакогностический анализ карелинии каспийской,

произрастающей в Узбекистане..... 21

Ikramova Mashkura Shukhratovna

Pharmacognostic analysis of Karelinia caspian growing in

Uzbekistan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ИКРАМОВА МАШКУРА ШУХРАТОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ОҚБОШ ЎСИМЛИГИНИ
ФАРМАКОГНОСТИК ТАҲЛИЛИ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1. PhD /Far33 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Комилов Хожиасроп Масудович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Юлдашев Закирджан Абидович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **А.Султанов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика**
илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__»_____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38; факс: (99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2018 йил «__»_____ куни тарқатилди
(2018 йил «__»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.И.Алимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби в.б., фарм.ф.д., профессор

С.Н.Аминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги йилларда қандли диабет XXI асрнинг ноинфекцияли эпидемиясига айланиб қолмоқда. Халқаро диабет федерацияси (The International Diabetes Federation, IDF) маълумотларига кўра бугунги кунда қандли диабет билан жабрланганлар сони 422 млн. кишини ташкил қилиб, уларнинг сони 2030 йилга келиб 552 млнгача ошиши мумкинлиги башорат қилинмоқда¹. Ушбу касаллик ногиронлик ва ўлимга олиб келишига сабаб бўлиши мумкин бўлган жиддий асоратларни – юрак-қон-томир, мушак-суяк, иммун тизимлари, мия томирларини шикастланиши, диабетик нефропатия ва ретинопатияларни вужудга келтиради. Ҳар йили дунёда қандли диабет ва унинг асоратлари туфайли 5 млн. атрофида беморлар ҳаётдан кўз юммоқдалар. Бу ОИТС-инфекцияси, сил ва безгак касалликларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан кўпроғини ташкил қилади.

Жаҳон миқёсида гипогликемик таъсирга эга самарали, хавфсиз воситаларни ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш учун истиқболли доривор ўсимликларнинг фармакогностик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича илмий изланишларга катта эътибор қаратилмоқда. Қандли диабет касаллигида қўлланиладиган доривор ўсимликлардан олинган препаратлар синтетик дори воситалардан ўзининг кам заҳарлилиги, юмшоқ таъсир этиши, ножўя таъсирининг камлиги туфайли узоқ вақт давомида қўллаш мумкинлиги ҳамда биологик фаол моддаларнинг турли гуруҳлари ўзаро уйғунликда организмга комплекс таъсир қилиши билан устунлиги маълум. Ҳозирги кунда қандли диабетни комплекс даволаш учун гипогликемик таъсирга эга бўлган доривор ўсимликларни излаб топиш ва улар асосида самарали дори воситаларни ишлаб чиқиш катта ахамият касб этади.

Республикамизда аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, тиббий ёрдам сифатини ошириш каби давлатнинг ижтимоий сиёсий соҳасидаги муҳим масаланинг ечимига қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий ўсимликларни тиббиёт амалиётига қўллашга жорий этиш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг² тўртинчи йўналишига мувофиқ гипогликемик дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш ва импорт ўрнини босиш имконини беради. Ушбу масаланинг ечимида дорилар таъминотини яхшилаш учун маҳаллий флорада янги истиқболли доривор ўсимликларни излаб топиш, ўрганиш, уларнинг хомашёлари асосида самарали дори воситаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 23 январдаги

¹ Глобальный доклад по диабету. – Всемирная организация здравоохранения, 2016 г.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони

ПҚ-3489-сон “Дори воситаларини ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон “Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 апрелдаги 32-сон «Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари» тўғрисидаги баёни, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ таъбирида қондаги қанднинг миқдорини пасайтириш учун қадимдан доривор ўсимликлар қўлланилган. Ҳозирги вақтда Х.Х.Холматов, О.А.Абидов, С.Н.Аминов, Х.М.Комилов, Д.А.Рахимов, У.М.Азизов, Ф.Ф.Урманова, Ш.Ф.Искандарова каби олимларимизнинг маҳаллий хомашё асосида гипогликемик дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш ва ўрганиш бўйича ишлари маълум.

Шунингдек, дунё миқёсида қандли диабет ва уни асоратларини даволашда инновацион технологиялар ва доривор ўсимликларни қўллаш бўйича N.Sarwar, P.Gao, S.R.Seshasai, I.Cao, C.Li, P.Zhand, S.L.Huang, R.T.Yu, S.T.Ma, D.L.Liu, I.I.Deng, W.W.Wang, M.Iahashahi, M.Afshar, I.Gong ҳамда И.И.Дедов, В.В.Фадеев, Т.Ю. Демидов, Ю.А.Трахтенберг, С.Ефимов, Н.А.Скорбонский, А.А.Матковский, Т.У.Трумпе, А.В.Печеневский ва бошқаларнинг изланишлари эътиборга сазовор.

Оқбош ўсимлигини деярли ўрганилмаган ўсимликлар қаторига қиритиш мумкин. Мазкур диссертация иши Ўзбекистонда ўсадиган оқбош ўсимлигини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш ва унинг асосида самарали гипогликемик дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни яратишга йўналтирилган биринчи илмий тадқиқотдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент фармацевтика институтининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш” мавзусидаги илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда АДСС - 34.2 “Маҳаллий ўсимлик хомашё асосида қандли диабетни даволаш учун дори воситани ишлаб чиқиш” амалий лойиҳа (2012-2014) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оқбош ўсимлигини тиббиёт амалиётида қўллаш ва унинг асосида самарали гипогликемик дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш имкониятини асослаш учун фармакогностик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётларнинг чуқур таҳлили асосида оқбош ўсимлигини ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;

оқбош ер устки қисми биологик фаол моддаларининг асосий гуруҳлар таркиби ва миқдорини аниқлаш;

хомашёнинг биологик фаоллигини баҳолаш;

ўсимликнинг фаоллигини таъминловчи асосий биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва ўрганиш;

асосий таъсир этувчи моддаларнинг тўпланиш динамикасини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида хомашё тайёрлашнинг мўътадил муддатларини аниқлаш;

хомашёни стандартлаш учун зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларининг мезонларини ишлаб чиқиш;

хомашёни сақлаш мумкин бўлган муддатларини аниқлаш;

оқбош ўсимлиги қуруқ экстракти ва унинг асосидаги биологик фаол қўшимчани стандартлаш ишларини амалга ошириш;

тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва уларнинг асосида оқбош ўсимлиги ер устки қисми, қуруқ экстракти ва биологик фаол қўшимчага меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ўсадиган оқбош ер устки қисми ва у асосида олинган қуруқ экстракт қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети оқбош ўсимлигининг терапевтик фаоллигини таъминловчи биологик фаол моддаларининг мажмуасини ўрганиш, шунингдек, оқбош ер устки қисми, қуруқ экстракти ва унинг асосида олинган биологик фаол қўшимчани стандартлаш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда табиий бирикмаларни таҳлил қилишнинг замонавий физик-кимёвий (қоғоз ва юпқа қатлам хроматография, УВ- ва ИҚ-Фурье спектроскопия, ГСХ, ЮССХ, ГХ, индуктив-боғланган плазмали масс-спектрометрия, гамма-спектрометрия) шунингдек, анъанавий фармакогностик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор оқбош ўсимлигининг биологик фаол моддалари асосий гуруҳларини кимёвий таркиби ва миқдори аниқланган;

оқбош ер устки қисмининг морфологик-анатомик диагностик белгилари ва унинг сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар, шунингдек экологик тозалиги ва қўллашдаги хавфсизлиги аниқланган;

хомашё таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаси - полисахаридларининг сифат ва миқдорий таҳлилига услубий ёндашувлар

тавсия этилган, шунингдек полисахаридларнинг тўпланиш динамикаси аниқланган;

полисахаридларнинг миқдорий меъёрлари ҳамда хомашёни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатлари белгиланган;

оқбош куруқ экстракти ва унинг асосида олинган биологик фаол қўшимчани стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оқбош ер устки қисми юқори гипогликемик фаолликка эга дори воситаси сифатида, шунингдек, унинг асосида олинган куруқ экстракт ва биологик фаол қўшимча тиббиёт амалиётига тавсия этилган;

ЎЗР ФА акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалар кимёси институтида “Диакар” деб номланган оқбош куруқ экстракти ва унинг асосида “Сахар Стоп” биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш технологияси “Plant Group” МЧЖда яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий физик-кимёвий, фармакогностик, биологик таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни саноат-тажриба шароитда синови билан белгиланади. Тадқиқот натижаларини статистик ишлашда Вилкоксон-Манн-Уитнинг U-мезони ва Стюдентнинг t-мезонидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий флоранинг янги оқбош ўсимлигини тиббиёт амалиётида самарали гипогликемик восита сифатида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланганлиги, унинг хом ашёси асосида терапевтик фаолияти хорижий аналоглардан кам бўлмаган “Диакар” куруқ экстракти ва “Сахар Стоп” биологик фаол қўшимчани олиш имконияти яратилиши ҳамда янги ўсимлик воситаларини сифатини таъминловчи ягона стандартлаш тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЎЗР ФА акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти билан ҳамкорликда оқбош ер устки қисми учун вақтинчалик фармакопея мақоласи ва унинг асосидаги “Диакар” куруқ экстракти учун корхона фармакопея мақоласи лойиҳалари ишлаб чиқилгани, “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази” ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилганлиги, “Plant Group” билан ҳамкорликда “Сахар Стоп” биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома лойиҳалари тайёрланганлиги ҳамда тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олишга ваколатли ташкилотларга тақдим этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оқбош ер устки қисмининг кимёвий таркибини таҳлили, тавсия этилаётган хомашё ва унинг асосида олинган куруқ экстракт ва биологик фаол қўшимчани стандартлаш усуллари ишлаб чиқишда олинган натижалар асосида:

биологик фаол қўшимча - “Сахар Стоп” учун ишлаб чиқилган Техник шартлар “Ўзстандарт” агентлиги томонидан рўйхатга олинган (Ts 24416194-005:2016). Натижада оқбош курук экстракти асосида гипогликемик таъсирга эга биологик фаол қўшимча олиш имконини берган;

“Сахар Стоп” биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 24416194-005:2017). Натижада фармацевтика саноати учун ушбу биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имкони яратилган;

“Сахар Стоп” биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати асосида “Plant Group” МЧЖ томонидан йўлга қўйилган (№000326). Ушбу биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш хорижий давлатлардан олиб келинаётган аналогларнинг ўрнини босиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда оқбош ўсимлиги ҳақидаги умумий маълумотлар, полисахаридлар тавсифи, таҳлил усуллари ва тиббий-биологик аҳамияти баён этилган.

Иккинчи боб “**Оқбош ер устки қисмининг кимёвий таркибини ўрганиш**” деб номланиб, изланиш объектнинг биологик фаол моддалар асосий гуруҳларини аниқлаш, идентификация қилиш ва миқдорини аниқлаш бўйича маълумотларни ўз ичига қамраб олган.

Маълум сифат реакциялар ва таҳлилнинг хроматографик усуллари ёрдамида оқбош ер устки қисми таркибидаги унинг ўзига хос фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуаси аниқланган.

Бирламчи моддалар алмашинуви бирикмалари моно- ва полисахаридлар, оксиллар, аминокислоталар, витаминлар, органик кислоталар ва липидлардан иборат эканлиги аниқланган. Иккиламчи моддалар алмашинуви бирикмаларидан ошловчи моддалар, флавоноидлар, стероид ва минерал моддалар аниқланган.

Аниқланган моддаларни идентификация қилишда “тувоҳларнинг” ишончли намуналари билан хроматографик таққослашдан ташқари (1-жадвал) зарур ҳолларда улар замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида ажратиб олинган ва таҳлил қилинган.

1-жадвал

Оқбош ер устки қисмининг кимёвий таркиби

| Аниқланган биологик фаол моддаларнинг гуруҳлари | Идентификация қилинган бирикмалар |
|---|--|
| Моносахаридлар | Глюкоза, рамноза, фруктоза, сахароза, галактоза, арабиноза, ксилоза |
| Витаминлар | Аскорбин кислота, каротиноидлар (β -каротин), α -токоферол |
| Органик кислоталар | Вино, лимон, олма, оксалат кислоталар |
| Ошловчи моддалар | Гидролизланувчи танидлар |
| Флавоноидлар | Рутин, кверцетин |
| Стероид бирикмалар | β -ситостерин |

Хом ашё таркибидаги аминокислоталарни аниқлаш учун дастурий бошқарувли Т-339 (Mikroetchna-Prague) маркали аминокислоталар анализаторидан фойдаланилди.

Олинган хроматограммаларни интегратор ёрдамида ҳисоб-китоби ва интерпретациясидан сўнг оқбош ер устки қисмида эркин ва боғланган 16 та аминокислота борлиги, улардан 9 таси алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар эканлиги аниқланган (2-жадвал).

Аниқланган аминокислоталардан миқдор жиҳатдан аланин, глицин, глютамин кислотаси ва пролин устун бўлиб, булардан глицин билан аланин қондаги қанд миқдорини тартибга солувчи аминокислоталар ҳисобланади. Оқбош ўсимлиги ер устки қисми аминокислоталар таркибида қондаги қанд миқдорини тартибга солувчи аминокислоталарнинг кўп миқдорда сақланиши 2 тип қандли диабет касаллигини даволашга тавсия қилинишда алоҳида аҳамият касб этади.

Липидларни ўрганиш. Умумий липидлар хлороформ-метанол (2:1) аралашмаси ёрдамида хомашёни уч марта экстракция қилиш йўли билан

Оқбош ер устки қисмидаги аминокислоталар таркиби

| Аминокислоталар | Гидролиздан кейинги аминокислоталар миқдори | |
|--|---|--|
| | н/моль | Аминокислоталар умумий йиғиндисига нисбатан, % |
| Аланин | 21,0 | 9,06 |
| Валин* | 14,5 | 6,25 |
| Глицин | 22,3 | 9,62 |
| Изолейцин* | 7,8 | 3,36 |
| Лейцин* | 18,4 | 7,94 |
| Метионин* | 3,6 | 1,55 |
| Серин | 15,3 | 6,60 |
| Тирозин | 6,5 | 2,80 |
| Треонин* | 10,6 | 4,57 |
| Фенилаланин* | 8,9 | 3,84 |
| Аспарагиновая | 17,8 | 7,67 |
| Глютаминовая | 33,8 | 14,58 |
| Аргинин* | 14,6 | 6,31 |
| Лизин* | 9,6 | 4,14 |
| Гистидин* | 6,5 | 2,80 |
| Пролин | 20,6 | 8,88 |
| Изох: *- алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар | | |

ажратилди. Сўнг экстракт липид бўлмаган таркибий қисмлардан кальций хлориднинг 0,05% ли сувли эритмаси билан ювилиб ҳайдалди. Умумий липидлар миқдори 5,25% ни ташкил этди.

Умумий липидлар гуруҳ таркибини аниқлаш учун улар силикагелли колонкада хроматография қилиниб кетма-кет хлороформ, ацетон ва метанол билан элюирлаш йўли билан нейтрал липидлар (НЛ), гликолипидлар (ГЛ) ва фосфолипидларга (ФЛ) ажратилди. Ажратилган компонентларни идентификация қилиш сифат реакциялар, аниқ намуналар билан хроматографик таққослаш ва адабиётлардан олинган маълумотлар асосида амалга оширилди (3-жадвал).

Оқбош ўсимлиги ер устки қисмидаги умумий липидлар таркиби

| Липидлар гуруҳи | Идентификация қилинган таркибий қисмлари | Чиқиш, % | |
|------------------|--|-----------------------------|----------------------------|
| | | Умумий йиғиндисига нисбатан | Хом ашё массасига нисбатан |
| Нейтрал липидлар | Углеводородлар, триацилглицеридлар, соф ёғ кислоталари, тритерпеноллар, стероллар, α -токоферол | 35,5 | 1,86 |
| Гликолипидлар | Стероид гликозидлар ва уларнинг эфирлари, дигалактозилдиацилглицеридлар, моногалактозилдиацилглицеридлар | 49,5 | 2,60 |
| Фосфолипидлар | Фосфатидилхолинлар, фосфатидилэтанолламинлар, фосфатидилинозитлар и фосфатид кислоталар | 15,0 | 0,80 |

Ёғ кислоталар таркибини аниқлаш учун липидларнинг ҳар бир гуруҳи ишқорнинг спиртли эритмаси билан гидролизланди. Сўнгра сульфат кислотанинг 50% сувли эритмасининг таъсирида совунланишдан ҳосил бўлган ёғ кислоталари диазометан ёрдамида метил эфирларига ўтказилди ва Agilent 6890N хроматографида ГСХ усулида қуйидаги шароитларда: узунлиги 30 м, диаметри 0,32 мм капилляр колонка, Нр-5 кўзгалмас фаза, ҳароратни дастурлаш 150 дан 270⁰ С гача, ташувчи газ-гелий, аланга –ионланиш детекторли таҳлил қилинди. Ёғ кислоталарини идентификация қилиш уларни ушланиш вақтини стандарт намуналарнинг ушланиш вақти билан таққослаш орқали амалга оширилди.

Ёғ кислоталарнинг миқдори уларнинг ушланиш вақтидаги чўққиларининг баландлиги кўпайтмаси бўйича ҳисобланади (4-жадвал).

4-жадвал

Оқбош ер устки қисми липидларининг ёғ кислоталари таркиби, % Σ ЁК

| Кислоталар | НЛ | ГЛ | ФЛ |
|----------------------------|-------|-------|-------|
| Лаурин, 12:0 | 1,01 | 1,24 | - |
| Миристин, 14:0 | 3,71 | 7,07 | 0,83 |
| Пентадецил, 15:0 | 0,63 | 0,56 | 0,32 |
| Пальмитин, 16:0 | 26,1 | 37,03 | 55,45 |
| Пальмитоолеин, 16:1 | 0,74 | 0,45 | 0,29 |
| Маргарин, 17:0 | - | 0,62 | 0,62 |
| Стеарин, 18:0 | 6,78 | 3,79 | 2,32 |
| Олеин, 18:1+ линолен, 18:3 | 38,25 | 38,39 | 26,50 |
| Линол. 18:2 | 21,36 | 7,10 | 13,35 |
| Арахин, 20:0 | 0,90 | 1,16 | - |
| Беген, 22:0 | 0,52 | 1,20 | 0,32 |
| Лигноцерин, 24:0 | - | 0,79 | - |
| Церотин, 26:0 | - | 0,60 | - |
| Σ тўйинган | 39,65 | 54,06 | 59,86 |
| Σ тўйинмаган | 60,35 | 45,94 | 40,14 |

Элемент таркибини ўрганиш. Индуктив боғланиш плазмали масс-спектрометрия усулида оқбош ер устки қисмида 38 та минерал элементларнинг мавжудлиги аниқланди (5-жадвал).

Оқбош ўсимлиги ер устки қисми таркибида организмнинг ҳаёт фаоллигига ижобий таъсир қилувчи муҳим элементлар: фосфор, темир, марганец, рух, кальций, хром, молибден ва миснинг мавжудлиги асосий биологик фаол моддалар билан бирга маълум даражада мазкур хомашёнинг фармакологик фаоллигининг ортишини таъминлайди.


Оқбош ўсимлиги хомашёсининг ўзига хос терапевтик фаоллигини таъминловчи биологик фаол моддаларининг асосий гуруҳи – полисахаридларни ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Оқбош полисахаридларини ажратиб олиш, таҳлил қилиш ва миқдорини аниқлаш бўйича маълумотлар диссертация ишининг “**Полисахаридларни**

Оқбош ер устки қисмининг элемент таркиби

| Элемент | Микдори, мг/г | Элемент | Микдори, мг/г | Элемент | Микдори, мг/г |
|---------|------------------|---------|------------------|---------|------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Li | 0,0110 | Mn | 0,04300 | Pd | 0,00300 |
| Be | 0,00004 | Fe | 0,9100 | Ag | 0,00480 |
| Na | 39,00 | Co | 0,00062 | Cd | 0,0002 |
| Mg | 7,000 | Ni | 0,01800 | Sb | 0,00008 |
| Al | 0,200 | Cu | 0,00820 | I | 0,01000 |
| Si | 11,00 | Zn | 0,02500 | Ba | 0,00410 |
| P | 1,200 | Ga | 0,00150 | W | 0,00006 |
| S | 2,400 | As | 0,01400 | Pt | 0,0006 |
| K | 3,700 | Se | 0,00320 | Au | 0,00058 |
| Ca | 10,00 | Br | 0,04200 | Hg | 0,00009 |
| Ti | 0,01000 | Rb | 0,00170 | Pb | 0,00110 |
| V | 0,0120 | Sr | 0,5400 | U | 0,00009 |
| Cr | 0,06700 | Mo | 0,00061 | | |

“ўрганиш” деб номланган учинчи бобида келтирилган. Ўрганилаётган хомашёдан полисахаридларни ажратиш олиш 1-расмдаги чизмага мувофиқ бажарилган.



1-расм. Оқбош ер устки қисмдаги полисахаридларни ажратиш олиш чизмаси

Аввал кичик молекулали бирикмалар ва бўёвчи моддаларни бартараф этиш мақсадида хомашёга хлороформ билан ишлов берилди, кейин 82% этанол билан экстракция қилинганда спиртда эрийдиган қандлар (глюкоза, арабиноза, фруктоза ва сахароза) экстрактга ўтди. Сўнг хом ашёни иссиқ сув (сувда эрийдиган полисахаридлар), оксалат кислота ва аммоний оксалатнинг 0,5% ли эритмаларининг 1:1 нисбатдаги аралашмаси (пектин моддалар) ва натрий гидроксиднинг 5% ли эритмаси (гемицеллюлозалар) ёрдамида

6-жадвал

Оқбош ер устки қисмидан ажратиб олинган полисахаридларнинг физик-кимёвий хоссалари

| Полисахаридлар | Миқдори, % | Ташқи кўриниши, эрувчанлиги | Эритманинг нисбий қовуш-қоклиги | Этерификация даражаси | Моносахаридлар таркиби | ИК-спектр (ν_{max}^{KBr} , см ⁻¹) |
|--------------------------------|------------|--|---------------------------------|-----------------------|--|---|
| Сувда эрийдиган полисахаридлар | 15,08 | Иссиқ сувда яхши эрийдиган, қаймоқ рангли аморф кукун | 1,05 | - | Галактоза, арабиноза | 3518, 2402, 2244, 1644, 1622, 1443, 1369, 1126, 611 |
| Пектин моддалар | 5,7 | Сувда эриб жуда қуюқ қовушқоқ эритма хосил қилувчи қаймоқ рангли аморф кукун | 6,0 | 92,3 | Урон кислоталари, галактоза, арабиноза, кам миқдорда ксилоза ва рамноза | 3455, 2933, 1748, 1370, 1317, 1248, 1146, 1102, 1017, 910, 870, 815 |
| Гемицеллюлозалар | 4,96 | Сувда эримайдиган, суюлтирилган ишқорларда яхши эрийдиган қўнғир аморф кукун | - | - | Урон кислоталари, галактоза, арабиноза, ксилоза, кам миқдорда глюкоза ва рамноза | 3427, 2932, 1660, 1644, 1619, 1541, 1416, 1315, 1241, 1144, 1090, 1074, 1043. |

босқичма-босқич экстракция қилиш орқали полисахаридлар этанол билан чўкмага тушириб ажратиб олинди.

Оқбош ер устки қисми таркибидаги полисахаридларнинг физик-кимёвий хоссалари 6-жадвалда келтирилган.

Полисахаридлар миқдори республика турли ҳудудларида йиғилган хом ашёнинг бешта партиясида гравиметрик усул билан аниқланди (7-жадвал).

Клиникагача фармакологик тадқиқотлар оқбош ер устки қисми организмга ножўя таъсир кўрсатмаган, ҳамда захарли бўлмаган ҳолда самарали гипогликемик фаолликка эга эканлигини кўрсатди. Қайд этилган ҳолат, шунингдек, оқбош ўсимлиги республикамиз ҳудудида кенг тарқалганлиги ушбу ўсимликни тиббиёт амалиётида кенг қўлланишга тавсия

**Оқбош ер устки қисмидаги полисахаридлар миқдорини аниқлаш
усулининг метрологик тавсифлари**

| μ | F | X _{ср} | S ² | S | P, % | t(P,f) | ΔX | ΔX _{ср} | E, % | E _{ср} , % |
|---|---|-----------------|----------------|--------|------|--------|--------|------------------|--------|---------------------|
| 14,9105 15,0127 15,1984 15,0074 14,8903 | 4 | 15,0038 | 0,0148 | 0,1220 | 95% | 2,78 | 0,3391 | 0,5169 | 2,2607 | 1,0110 |
| 15,1306 15,0138 15,2126 15,1971 15,2901 | 4 | 15,1688 | 0,0107 | 0,1015 | 95% | 2,78 | 0,2879 | 0,1287 | 1,8983 | 0,8489 |
| 14,8900 14,6107 15,0014 14,7421 14,5302 | 4 | 14,7548 | 0,0376 | 0,1939 | 95% | 2,78 | 0,5391 | 0,2411 | 3,6541 | 1,6342 |
| 14,5582 14,8906 14,7548 15,0013 14,7658 | 4 | 14,7658 | 0,0275 | 0,1660 | 95% | 2,78 | 0,4615 | 0,2063 | 3,1195 | 1,3951 |
| 15,3264 15,4861 15,0985 15,1497 15,1793 | 4 | 15,2479 | 0,0248 | 0,1577 | 95% | 2,78 | 0,4385 | 0,1961 | 2,8763 | 1,2863 |


этиш имконини беради. Шу муносабат билан оқбош ер устки қисми, унинг асосида яратилган “Диакар” қуруқ экстракти ва “Сахар Стоп” биологик фаол қўшимчани стандартлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Натижалар диссертация ишининг **“Оқбош ер устки қисми”, “Диакар” қуруқ экстракти ва “Сахар Стоп” биологик фаол қўшимчани стандартлаш**” деб номерланган тўртинчи бобида ўз аксини топган.

Хомашёнинг чинлигини унинг ташқи ва анатомик-диагностик белгиларини аниқлаш ҳамда таъсир этувчи моддаларга сифат реакциялари натижалари бўйича аниқланди.

Оқбош ер устки қисмини микроскопик ўрганиш натижасида қуйидаги диагностик белгилар аниқланди:

- поя 5-8 хужайрали оддий конуссимон туклар ва астрадошлар оиласига хос тузилган безлар билан қопланган; поя боғламли тузилишда бўлиб, унинг йирик ва майда ўтказувчи тўқима боғламлари юпқа деворли паренхимада икки қатор кетма-кет концентрик типда жойлашган; пўстлоқ паренхимасида хужайралараро бўшлиқлар мавжуд;
- баргнинг эпидермис хужайралари бир оз эгри-бугри деворли (баргнинг пастки томонидан эпидермис хужайраларининг деворлари кўпроқ эгри-бугри бўлади); устыцалари майда, юза жойлашган, овалсимон, аномацит, айрим

холларда анизоцит; барг ҳар иккала томондан 5-8 хужайрали оддий туклар ва бошчали 4-8 хужайрали безлар билан қопланган;
 - найчасимон гулларининг ҳар иккала томондаги эпидермис хужайралари юпка деворли, тўғри бурчакли; гулларда кўп сонли бир ёки икки қатор жойлашган тўғноғичсимон безлар кўриниб туради; ўрама барглари оддий туклар ва безлар билан қопланган (2 расм).



2 расм. Оқбош ўсимлигининг анатомик тузилиши.

А- поянинг кўндаланг кесими чизмаси; **Б**- парадермал кесимидаги эпидермис: 1- оддий тук; **В**- поянинг кўндаланг кесими фрагменти: 1- эпидермис, 2- пўстлок паренхимаси, 3- склеренхима, 4- флоэма, 5- камбий, 6- сув найлари, 7- ўзак, 8- туклар; **Г**- поя ва баргда учрайдиган трихомалар: 1- оддий туклар, 2- безлар; **Д**- баргнинг устки томондаги эпидермиси, 1- устьица, 2- тук ўрни; **Е**- баргнинг пастки томондаги эпидермиси; **Ж**- гул қисмлари: 1- тўғноғичсимон безлар, 2- гул тожибаргининг эпидермиси, 3- гул устунчасининг эпидермиси.

Оқбош ер устки қисмининг специфик биологик фаоллиги полисахаридлар билан боғлиқлиги учун хомашёни кимёвий стандартлашда улар хомашёнинг чинлиги ва сифатлилигини белгиловчи асосий мезон сифатида қабул қилинган. Хомашё таркибида полисахаридларни аниқлаш учун спирт билан чўктириш реакцияси тавсия этилади. Полисахаридлар миқдорини аниқлаш учун қўлланилган фармакопея усули айнан ушбу реакцияга асосланган.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан йиғилган оқбош ер устки қисмининг 5 та партиясида олиб борилган полисахаридларнинг миқдорини аниқлаш натижаларига асосан уларнинг хомашёдаги миқдори 13% дан кам бўлмаслиги керак деб белгиланди.

Полисахаридларни тўпланиш динамикасини ўрганиш оқбош ер устки қисмидаги уларнинг миқдори ўсимлик онтогенезида сезиларли ўзгариб гуллаш даврида максимал даражага эришиши ($15.20 \pm 0.48\%$), сўнгра камайишини кўрсатди. Шунинг учун кўрсатилган муддат хомашёни тайёрлашнинг оптимал муддати сифатида белгиланди. Полисахаридлар миқдорининг мавсумий динамикаси ҳақидаги маълумотлардан оқбош ер устки қисмини тайёрлаш ва қуритиш бўйича йўриқномани ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Таъсир этувчи моддалар миқдори билан бир қаторда оқбош хомашёсининг сифатини белгиловчи бошқа сонли кўрсаткичлар: намлик, умумий кул ва хлорид кислотанинг 10% ли эритмасида эримайдиган кул, майдаланганлик даражаси ва аралашмалар миқдори ҳам аниқланди. Шунингдек, доривор ўсимлик воситаларни сифати ва тадқиқот усулларига қўйиладиган халқаро талабларини ҳисобга олган ҳолда хомашёда экотоксикантлар – токсик оғир металллар, радионуклидлар ва пестицидларнинг қолдиқлари миқдори аниқланди. Тадқиқот натижалари оқбош ер устки қисмининг экологик тозаллиги ва қўллашда хавфсизлиги кўрсатилди.

Шу билан бирга, оқбош ер устки қисми микробиологик тозаллиги нуқтаи-назаридан ўсимлик хом ашёсига қўйиладиган талабларга тўла мос келиши кўрсатилган.

Табий сақлаш шароитида оқбош хомашёсининг турғунлигини ўрганиш унинг ташқи белгилари ва сонли кўрсаткичлари 3,5 йил давомида деярли ўзгармаслигини кўрсатди. Шунини ҳисобга олган ҳолда оқбош ер устки қисмидан тайёрланган вақтидан бошлаб 3 йил давомида фойдаланиш тавсия этилади.

ЎзР ФА акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти билан биргаликда оқбош ер устки қисми асосида қуруқ экстрактини олиш ва стандартлаш билан боғлиқ амалий масалаларнинг ечими топилди.

“Диакар” деб шартли равишда номланган қуруқ экстрактни олишда қўлланилган осон, тежамли ва хавфсиз технология тайёр маҳсулотни 20 % атрофида чиқишига эришиш, таркибидаги полисахаридлар миқдорини етарли даражада юқорилигини таъминлаш ва бирламчи хомашёни физиологик фаоллигини сақлаб қолишга имкон беради.

Клиникагача бўлган фармакологик текширувлар натижасида оқбош қуруқ экстракти деярли захарсиз бўлиб, организмга нојўя таъсирни кўрсатмаган ҳолда гипогликемик фаоллиги бўйича маълум ўсимлик препарати “Глукейр”дан (Ҳиндистон) қолишмаслиги аниқланди.

Ушбу ҳолатни ҳамда дастлабки хомашёнинг ҳаммабплигини эътиборга олиб, “Plant Group” МЧЖ билан ҳамкорликда оқбош ва ер ноки (топинамбур) куруқ экстрактлари асосида углеводлар алмашинувини тартибга солувчи самарали “Сахар Стоп” биологик фаол кўшимчасининг капсула шакли ишлаб чиқилди.

Унинг хавфсизлиги, ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда қўлланиши юзасидан ЎзР ССВнинг Давлат санитария – эпидемиология назорати марказининг токсик-гигиеник хулосаси олинган.

Ишлаб чиқилган ўсимлик воситаларни стандартлаш, худди хомашёни стандартлаш каби полисахаридлар бўйича амалга оширилди, яъни хомашё – субстанция – тайёр ўсимлик воситаси қаторида кўрсаткичлар, меъёрлар ва сифатини баҳолаш усуллари унификацияси таъминланди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида оқбош ер устки қисми, унинг асосидаги “Диакар” куруқ экстракти ва “Сахар Стоп” биологик фаол кўшимчанинг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар даражасини асослаш учун керакли маълумотлар олинди. Улар асосида ЎзР ФА акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти билан ҳамкорликда тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олиш мақсадида оқбош ер устки қисми учун Вақтинча фармакопея мақоласи, “Диакар” куруқ экстрактига корхона фармакопея мақоласи лойиҳалари ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВ нинг “Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

“Plant Group” МЧЖ билан ҳамкорликда “Сахар Стоп” биологик фаол кўшимча учун тузилган Техник шартлар (Ts 24416194-005:2016) ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 24416194- 005:2017) “Ўзстандарт” агентлигининг стандартлаштириш давлат назоратини мувофиқлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган. Янги “Сахар Стоп” БФҚни ишлаб чиқиш ва қўллаш учун ЎзР ССВ нинг рухсати олинган.

“Plant Group” МЧЖ томонидан уни саноат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Фармакогностик ва клиникагача бўлган комплекс тадқиқотлар натижасида маҳаллий флоранинг янги истиқболли оқбош ўсимлигини самарали гипогликемик дори восита сифатида тиббиёт амалиётида қўлланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

2. Оқбош ер устки қисми таркибидаги унинг ўзига хос фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуаси моно- ва полисахаридлар, органик кислоталар, каротиноидлар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, стероид бирикмалар, липофил ва минерал моддалардан иборат эканлиги

аниқланди. Хомашёдаги биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳлари таркиби ва миқдори аниқланди.

Оқбош ўсимлигининг асосий компонентлари полисахаридлар эканлиги кўрсатилди.

3. Тавсия этилаётган хомашёни стандартлаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Асосий таъсир этувчи моддалар -полисахаридларни аниқлаш усуллари тавсия этилди, хомашёнинг чинлиги ва сифат кўрсаткичлари аниқланди, тажрибада уни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатлари белгиланди.

4. Бирламчи хомашё билан бир қаторда самарадорлиги бўйича хорижий аналоглардан қолишмайдиган гипогликемик восита сифатида “Диакар” қуруқ экстракти ва унинг асосидаги “Сахар Стоп” капсула шаклдаги биологик фаол кўшимчани яратиш ва стандартлашнинг амалий жиҳатлари ҳал қилинди.

5. Олинган маълумотлар асосида тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олиш мақсадида оқбош ер устки қисмига Вақтинча фармакопея мақоласи ва унинг асосидаги “Диакар” қуруқ экстрактига корхона фармакопея мақолалари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВ нинг “Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

6. Оқбош қуруқ экстракти асосида олинган “Сахар Стоп” биологик фаол кўшимча учун Техник шартлар ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. “Сахар Стоп” биологик фаол кўшимчани ишлаб чиқариш ва қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати олинди. “Plant Group” МЧЖ “Диакар” қуруқ экстракти асосида “Сахар Стоп” биологик фаол кўшимчани ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ИКРАМОВА МАШКУРА ШУХРАТОВНА

**ФАРМАКОГНОСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КАРЕЛИНИИ
КАСПИЙСКОЙ, ПРОИЗРАСТАЮЩЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1. PhD /Far 33

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Комилов Хожиасрор Масудович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Закирджан Абидович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт им. А.Султанова**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSC.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ___) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2018 г.).

И.И.Алимджанов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

Ё.С.Кариева
И.о. ученого секретаря научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.фарм.н., профессор

С.Н.Аминов
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы сахарный диабет приобретает характер неинфекционной эпидемии XXI века. По данным Международной федерации диабета (The International Diabetes Federation, IDF), в настоящее время насчитывается более 422 млн. больных сахарным диабетом, количество которых может увеличиться до 552 млн. в 2030 году¹. Развитие этого заболевания приводит к серьёзным осложнениям - поражениям сердечно-сосудистой, иммунной, костно-мышечной систем, сосудов головного мозга, кожи, диабетической нефропатии и ретинопатии, которые являются причиной инвалидности и высокой смертности больных. Ежегодно в мире по причине сахарного диабета и его осложнений умирает около 5 млн больных. Это больше, чем от вируса иммунодефицита человека, туберкулёза и малярии вместе взятых.

В мировом масштабе уделяется большое внимание проведению научных исследований по определению фармакогностических характеристик перспективных лекарственных растений для создания эффективных и безопасных лекарственных средств и биологически активных добавок гипогликемического действия. Как известно, используемые для лечения сахарного диабета фитопрепараты в отличие от синтетических лекарственных средств малотоксичны, оказывают мягкое действие, могут длительное время применяться без существенных побочных эффектов, хорошо сочетаются с лекарственными веществами, усиливая их терапевтический эффект, и, наконец, оказывают на организм комплексное воздействие благодаря гармоничному взаимодействию различных групп биологически активных веществ. В настоящее время уделяется большое внимание изысканию лекарственных растений гипогликемического действия и созданию эффективных лекарственных средств на их основе для комплексного лечения сахарного диабета.

В республике осуществляются широкомасштабные меры, направленные на реализацию одной из важнейших задач государства в области социальной политики – охране и укреплению здоровья населения, повышению качества медицинской помощи. Введение отечественных лекарственных растений в медицинскую практику в соответствии с четвертым направлением Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² позволит расширить ассортимент гипогликемических лекарственных средств и биологически активных добавок и обеспечить импортозамещение. При решении этой задачи для улучшения лекарственного обеспечения важное значение имеет поиск и изучение новых перспективных лекарственных растений отечественной флоры, внедрение в производство эффективных лекарственных средств на основе их сырья

¹ Глобальный доклад по диабету. – Всемирная организация здравоохранения.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», ПП-3968 от 12 октября 2018 года «О мерах по упорядочению сферы народной медицины», протоколом Кабинета Министров Республики Узбекистан №32 от 20 апреля 2015 года «О мерах по развитию производства лекарственных средств и биологически активных добавок (БАД) на основе лекарственных растений на местных предприятиях», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Лекарственные растения издавна использовались в народной медицине в качестве сахароснижающих средств. В настоящее время широко известны работы в области создания и исследования гипогликемических лекарственных средств и биологически активных добавок на основе местного сырья таких отечественных ученых, как Х.Х.Халматов, О.А.Абидов, С.Н.Аминов, Х.М.Комилов, Д.А.Рахимов, У.М.Азизов, Ф.Ф.Урманова, Ш.Ф.Искандарова.

